ТАСВИРЛАРДА ЖОНЛАНГАН МАКОН: ЎРТА ОСИЁ ОТКРИТКАЛАРИ

Маъсуда Абдинабиевна Абдурахмонова
Мустақил тадқиқотчи (PhD)
Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий
рассомлик ва дизайн институти
(91)133-72-62
https://doi.org/10.5281/zenodo.21233373

XIX аср охири — XX аср бошларида оммавий визуал маданиятнинг муҳим элементи сифатида шаклланган открытка жанри жамоатчилик онгида муайян ҳудудлар ҳақидаги тасаввурларни шакллантиришда катта аҳамият касб этди. Открытка (русча *“открытка”*) — бу очиқ хат шаклидаги почта карточкаси бўлиб, одатда бир томонида расм ёки сурат, иккинчи томонида эса ёзув ва манзил учун жой бўлади. Открыткалар фақатгина почта воситаси эмас, балки муайян ижтимоий-маданий мақсадларда ишлаб чиқарилган визуал маҳсулот ҳисобланади. XIX аср охирида почта алоқаси оммалашгач, открыткалар арзон ва қулай ёзишма шакли сифатида тарқалди. Қисқа табрик, хабар ёки саёҳат таассуротини юбориш учун ишлатилган. Айниқса Россия империяси даврида Туркистон ҳудудида чиқарилган открыткалар шаҳар манзаралари, бозорлар, масжидлар, маҳаллий аҳоли турмушини кўрсатиш орқали ҳудуд ҳақида тасаввур шакллантирган. Уларда акс этган манзаралар муайян ҳудуд ҳақида ташқи ва ички тасаввурни яратган. Шу жиҳатдан, открытка — маданий идентификация воситаси. Открыткалар орқали ўтмиш шаҳар қиёфаси, урф-одатлар, миллий кийимлар ва меъморий муҳит ҳужжатлаштирилган. Бу уларни визуал тарихий манбага айлантиради.

Ушбу мақола учун фойдаланилган открыткалар Давлат санъат музейи кутубхонаси ва архиви фондидан олинган бўлиб, улар орқали ўтмишга саёҳат қиламиз.



“Ташкент. Часть города. Махкама №16” 1916 йил.

Ушбу откриткада 1916 йил атрофидаги Тошкент шаҳрининг бир маҳалласи тасвирланган. Откриткада қуйидаги жиҳатларни кўриш мумкин: Анъанавий шаҳар муҳити тор кўча, икки томонда пастқават, хом ғишт ёки ёғочдан қурилган уйлар ва дўконлар. Юк ортилган туялар — бу даврда Тошкентда савдо-сотиқ ва ташиш ишларида туялар кенг қўлланилганини кўрсатади. Миллий либосдаги эркаклар, айримлари савдо ёки кундалик ишлар билан машғул. Орқа фонда кўринаётган гумбазли иншоот шаҳарнинг диний ва маданий муҳитини англатади. Открытка устидаги “Ташкент. Часть города. Махалля №16” деган ёзув бор. №16 рақами откритканинг босма нусхалар сонини эмас, балки муайян нашриёт серияси ичидаги тартиб рақамини ифодалайди. Сурат XX аср бошларидаги Тошкентнинг кундалик ҳаёти, шаҳар савдоси, транспорт воситалари ва маҳалла тизимини ҳужжатли тарзда акс эттирган қимматли тарихий манбадир. «Махкама» деган ёзув бу ерда ҳозирги

маънодаги судни англатмайди. XX аср бошида, айниқса Россия империяси даврида Туркистонда бу атама маҳалла ёки маҳаллий бошқарув ҳудуди маъносида қўлланган. Тошкентда у пайтда шаҳар махкамаларга (маҳалла-маъмурий қисмларга) бўлинган. «Ташкент. Часть города. Махкама яъни: Тошкент шаҳрининг суд биноси эмас, балки шаҳарнинг расмий маҳалласини англатади. Открыткада қайд этилган “махкама”[1] атамаси XX аср бошларида Тошкент шаҳрида қўлланилган маҳаллий-маъмурий ҳудуд номини англатади. Бу маҳалла Эски Жува бозори ҳудудида жойлашган бўлиб, Бешёғоч (Бешағоч) қисмига қарашли бўлган, бироқ маҳалланинг бир қисми Кўкча ва Себизор ҳудудларини ҳам қамраб олган. Бу ерда одамлар яшаган ва савдо-сотиқ билан шуғулланган. Открытканинг айнан шу нусхаси Б. Голендер томонидан нашр этилган «Окно в прошлое. Туркестан на старинных открытках (1898–1917)» китобида[2] ҳам келтирилган бўлиб, унда тасвир «махалля “Махалля”даги кўча, Себзарская, Кукчинская ва Бешагачская даҳа туташган ҳудуд» сифатида тавсифланади[3].



"Бедана ишқибозлари" (“Любители перепелов”) 19-аср охири ёки 20-аср бошлари. Фотограф: И.Н.Панов

Откриткада, Тошкентнинг эски қисми тасвирланган бўлиб, қатор пешайвон ташқарисида ўтирган бир нечта кекса эркаклар акс этган.

Лой деворли ва ёғоч устунли эски услубдаги уй ёки чойхона фонида тасвирга олинган бедана ишқибозлари акс этган. Тошкент шаҳри, эҳтимол унинг эски қисмидаги кўчалардан бири ёки чойхона олди. Миллий либослардаги (чопон ва салла) ўзбек эркаклари ҳордиқ чиқариб, суҳбатлашиб ўтирган тўрт нафар эркак кўрсатилган, учтаси ўтирган ва биттаси ўтириб оёқларини узатиб олган. Бинонинг айвон қисмида осиб қўйилган қафаслар кўринади. Ушбу сурат нафақат кундалик ҳаёт лавҳаси, балки ўша давр халқининг этник хусусиятлари ва маданиятини ўрганишда муҳим тарихий ҳужжат ҳисобланади.

[1] «Махкама» (арабча *маҳкама*) — аслида *идора, бошқарув жойи, маҳаллий маъмурий тузилма* деган маъноларни билдиради.

[2] Б. Голендр Окно в прошлое. Туркистан на старинных почтовых открытках (1898-1917) Ташкент 2002.

[3]

голендер



Тошкент. Ўзбек. XX аср. Фотограф: И.Н.Панов

Откриткада Марказий Осиёдаги тарихий лаҳза акс этган бўлиб, у Тошкентда, XX аср бошларида суратга олинган. Фотосуратда анъанавий либосдаги эркак тасвирланган бўлиб, бу уни этнографик характерга эга тасвир сифатида баҳолаш имконини беради. Бундай суратлар ўша даврда минтақанинг этник ўзига хосликлари ва маданиятини ҳужжатлаштириш билан шуғулланган сайёҳлар ва фотографлар томонидан тузилган тўпламларнинг бир қисми бўлган.

Ушбу фотография ўша давр одамларининг кундалик ҳаёти ва турмуш тарзини акс эттирувчи қимматли тарихий ҳужжат ҳисобланади.



Тошкент, Ўзбекистан. Фотограф аниқланмаган. Нашриёт - Меццо-тинто Сокрайшефсовета[4], (Москва) 1920-1930 йиллар..

Откритада 1920–1930-йиллар Тошкентнинг анъанавий турмуш тарзидан замонавий ҳаётга ўтиш жараёнини ифодалайди. Бир сўз билан айтганда эски ҳаёт тарзи техник тараққиёт билан тўқнаш келаётган давр намоён бўлади. Олдинги планда ҳудуд учун анъанавий бўлган транспорт — туялар, ҳамда ўша давр учун замонавий техника ютуғи ҳисобланган автобус ўртасидаги кескин фарқ кўрсатилган. Сурат ОГИЗ[5] нашриёти томонидан чоп этилган откриталар туркумида «Тошкент. Эски турмуш янгига ўрин бўшатаётир» сарлавҳаси остида тарқатилган. Фотосуратда француз ишлаб чиқарувчиси Renault[6] маркасига мансуб автобус тасвирланган. Бундай транспорт воситалари 1920-йилларда Марказий Осиё шаҳарларида пайдо бўла

[4] **«Меццо-тинто» Сокрайшефсовета** — 1920-йиллар охири – 1930-йиллар бошида Москвада фаолият кўрсатган полиграфик ва нашриёт корхонаси.

[5] ОГИЗ-Бирлаштирилган давлат нашриёти (рус-Объединённое государственное издательство) 1930 йиллар бошида СССРда тузилган бўлиб, у турли давлат нашриётларини бир тизимга бирлаштирган марказий нашриёт ташкилоти эди. У адабиёт, санъат, илмий ва оммавий-маърифий нашрларни чиқариш билан шуғулланган.

[6] **Renault Group** — 1899-йилда ташкил этилган француз автомобил корпорацияси. Vikipediya, ensiklopediya

бошлаган вақт. Мазкур открытка инқилобгача ва илк совет даври Тошкент ҳаёти ҳамда транспорт инфратузилмасининг визуал гувоҳи эканини таъкидлайди. У эса турли маданиятлар ва тарихий даврлар ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи рамз сифатида ҳам талқин этиш мумкин.



Ташкент. Нагрузка верблюдов. №20. 1909 йил

Откриткада Тошкентда туяларни юклаш жараёни тасвирланган. Ушбу манзара инқилобдан олдинги даврда шаҳар ва унинг атрофида кечган кундалик хўжалик ҳаётини акс эттиради. Композициянинг марказида йирик юклар ортилган туялар жойлашган бўлиб, бу уларнинг минтақа транспорт тизимидаги муҳим ўрнини таъкидлайди. Ҳайвонлар атрофида карвонни сафарга тайёрлаш билан банд бўлган туякашлар ва ишчилар кўринади; уларнинг ҳолати ва ҳаракатлари меҳнат жараёнининг осойишта, тартибли характерини ифодалайди. Олдинги планда, чап томонда анъанавий кийимдаги кекса эркак тасвирланган бўлиб, унинг қиёфаси саҳнага инсоний ўлчов бағишлайди ва суратнинг ҳужжатли аҳамиятини кучайтиради. Хўжалик иншоотлари ва дарахтлардан иборат фон шаҳар чеккасидаги макон образини шакллантиради. Открытка Тошкентнинг савдо алоқалари ривожланганини ва карвон иқтисодиётининг фаолиятини акс эттирувчи муҳим визуал манба бўлиб, XX аср бошларидаги ижтимоий типажлар, меҳнат амалиётлари ҳамда моддий маданиятни қайд этади. Аҳоли турмуш тарзи, ҳунармандчилик, бозор ҳаёти каби лавҳалар маданий меросни ўрганишда муҳим далилдир.

Шу боис, ушбу коллекция тадқиқотчилар ва музей ишлари учун қимматли манба ҳисобланади ва Ўрта Осиёнинг маданий меросини чуқурроқ англашда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган манбалар:

1. Ўзбекистон давлат санъат музейи. *Кутубхона ва архив фондлари фотосуратлари*.
2. Тошкент. Ибраҳимов, А. “Тошкент шаҳри тарихи: 1920–1930-йиллар”. *Ўзбекистон тарихи журнали*, т. 12, №3, 2020, с. 23–34.
3. Панов, И.Н. *Ташкент ва ундан ташқари шаҳарлар тарихий манзаралари*. Тошкент: Ўзбекистон нашриёти, 1930. С. 45–47.
4. “Старые открытки Ташкента”. *uzmuseum.uz*. URL: https://uzmuseum.uz/old-tashkent-postcards